

Изох:

1. Ўқув режасига қўшимча киритиладиган модуллар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи асосида амалга оширилади.
2. Ўқув режасидаги модулларга ажратилган соатлар миқдори аудитория ва мустақил таълим соатларини камраб олади.
3. Мазкур ўқув режа асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси йўналишидан келиб чиқиб ишчи ўқув режа тузилади ва таянч олий таълим муассасасининг Кенгашида тасдиқланади. Бунда таянч олий таълим муассасасига ҳафталик ўқув юкларини саклаган ҳолда модуллар ҳажмини 5% гача ўзгартириш ҳуқуқи берилади.
4. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш ва амалий хорижий тил модуллари бўйича амалий машғулотлар иккита кичик гуруҳларга бўлиб ўқитилади (ҳар бир кичик гуруҳда камида 10-12 нафаргача тингловчилар бўлиши шарти билан).
5. Машғулотлар муаммоли маъруза, семинар-тренинг, давра суҳбати, мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш ҳамда бошқа интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда олиб борилади.
6. Қўчма машғулотлар олий таълим муассасалари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа корхона ва ташкилотлари, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик муассасаларида ташкил этилади.
7. Мустақил таълим тегишли модуль дастурида келтирилган мавзулар бўйича тайёрланган топшириқлар асосида амалга оширилади.
8. Педагогик амалиётда тингловчиларнинг тегишли кафедраларда дарсларни кузатиши, очик маъруза ва амалий машғулотлар ўтказиши, ўтказилган дарсларни муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилиши режалаштирилган.
9. Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси модуллар бўйича жорий назорат, педагогик амалиёт якунлари, касбий фаолият қўрсаткичлари, чиқиш тест синовлари натижалари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашида маъқулланган.
2016 йил «26» 03 даги д -сонли баённома.

Олий таълим муассасалари Бош бошқармаси бошлиғи

И.У.Мажидов

Бош илмий-методик марказ директори

У.Ш.Бегимқулов

Тошкент тиббиёт академияси ректори

Ш.И.Каримов

ТТА ҳузуридаги ПКҚТ ва МО тармоқ маркази директори

У.А.Ташкенбаева

